



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
20-may
chorshanba
№ 20 (1498)


Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ТАҚДИМОТ

Бугунги глобллашув даврида давлат тараққиётини фақат рақамлар ёки расмий баёнотлар эмас, балки халқ ҳаётидаги реал ўзгаришлар белгилайди. Шу маънода Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳам айнан инсон қадрини улуғлаш, адолатли ҳаётни қуратиш ва очиқ давлат бошқарувини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ана шу улкан ислохотлар рўйбга чиқарилаётган жараёнларнинг сўнгги бир йилликдаги, яъни ўтган 2025 йилдаги ўрни, мазмун-моҳиятини яхлит тарзда акс эттирган "Юрт қайғусида 365 кун" китоби тақдироти бўлиб ўтди. Анжуман жорий йилнинг 18 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифини бажарувчи Шўҳрат Орипов, "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Сайид, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоев, Кинематография агентлиги директори Шўҳрат Ризаев, Алишер Навоий номидида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шўҳрат Сирожиiddинов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тақдимот давомида китобнинг маъ-



мун-моҳияти, унинг тарихий ва сиёсий аҳамияти ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётини ёритишдаги ўрни ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ушбу китоб Президентимиз олиб бораётган кенг қамровли улкан ислохотлар рўйбга келган 2025 йилдаги салмоқли ва серқирра фаолиятнинг яхлит кўзгуси десак хато бўлмайди. Унда нафақат республикаимизда бў-

либ ўтган тадбирлар ва воқеалар силсиласи ёритилган, балки давлатимиз раҳбарининг халқ билан ҳам-фикрлиги, инсон қадрини юксалтириш йўлидаги заҳматли меҳнатлари ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси муҳрланган маънавий солнома акс этган. Китобни varaқлар эканмиз, 365 куннинг ҳар бир кунига, ҳар бир соатига сингдирилган ислохотларнинг тарихий шиддати ва кўлами кишини

ёки Янги Ўзбекистон тараққиётининг йиллик солномаси

хайратга солади. Бу — миллатнинг янгилашиш йўлидаги залворли қадмлари ва келажакка қўйилган мустақам пойдеворнинг ёрқин ифодасидир, — деди Шўҳрат Орипов.

Дарҳақиқат, "Юрт қайғусида 365 кун" китоби мамлакатимиз раҳбари фаолияти мисолида бутун бир давр руҳини, халқнинг орзу-интилишлари ва давлат тараққиётининг устувор йўналишларини акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳужжатли манбадир. Тўпلامда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил давомидаги серқирра фаолияти, давлат бошқарувидаги янгилик ва бетақдор ёндашувлар, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, халқаро дипломатия, экологик барқарорлик, илм-фан, таълим, маданият ва маънавият соҳаларида амалга оширилган кенг қамровли ишлар ўзига хос тарзда ёритилгани билан диққатга молик.

Китобнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — унда мамлакат ҳаётида юз берган воқеаларнинг қуруқ хроника сифатида эмас, балки таҳлилий ва ҳаётий ёндашув асосида ифодаланганидир. Саҳифаларни ўқир экансиз, ҳар бир бандда халқ манфаати, инсон қадрини ва тараққиёт ғояси устуворлиги яққол намоён бўлади. Айниқса, иқтисодий ўсиш суръ-

атлари, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, экспорт ҳажмининг ортиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишлар рўйбга оид маълумотлар ислохотларнинг аниқ натижаларини кўрсатиб беради.

Асарда Президентнинг ҳудудларга ташрифлари, халқ билан мулоқотлари, халқаро саммит ва музокара-лардаги иштироки ҳамда стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари алоҳида ўрин эгаллаган. Бу эса китобнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсат йўналишида ҳам муҳим манба эканини англатади.

Китобнинг ойлар кесимида тартиблангани эса унда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш имкониятини янада бойитган. Ҳар бир ой аввалида давлат раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари қисқача жамланиб, кейинги саҳифаларда муҳим воқеалар, қарорлар, ташрифлар ва ташаббуслар батафсил шарҳланган. Бундай услуб ўқувчига мамлакатдаги ислохотлар динамикасини изчил кузатиш, тафаккур қилиш имконини оширади.

Замонавий технологиялардан фойдаланилгани ҳам китобнинг ўзига хос ютуғидир. Статистик маълумот-

лар, фотолар ва таҳлилий шарҳлар билан бирга, QR-кодлар орқали қўшимча материалларнинг тақдим этилиши китобнинг ахборот салмоғини янада оширган. Бу эса уни нафақат анъанавий китобхонлар, балки ёшлар ва тадқиқотчилар учун ҳам жозибадор манбага айлантирган.

Дарҳақиқат, "Юрт қайғусида 365 кун" китоби нафақат ўтган бир йилнинг солномаси, балки келажак авлод учун Янги Ўзбекистон тарихини ўрганишда хизмат қиладиган қимматли манбадир. Мазкур тўплам инсон қадрини улуғлашга қаратилган тараққиёт стратегиясини аниқлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Шўбҳасиз, ушбу асар сиёсатшунослар, тарихчилар, журналистлар, талаба-ёшлар ва мамлакат тараққиётига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммаси, бутун халқимиз учун зарур манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, у юртдошларимизнинг бунёдкорлик йўли ва халқ манфаатида хизмат қиладиган ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

Ушбу китоб барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Занжилов АБДУСАЛОМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
етакчи мутахассиси.

САНОАТ



КАСБ БАЙРАМИГА ТУХҒА

Олмалик кон-металлургия комбинатида
янги олтин саралаш фабрикаси ишга тушди

Кончилик ва металлургия соҳаси — бу чуқур билим, матонат ва фидойиликни талаб этадиган тармоқ. Шу боис конларда, бойитиш фабрикалари, металлургия заводлари, энергетика, транспорт ва муҳандислик соҳаларида ҳамда ёрдамчи корхоналарда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ҳиссаси комбинат тараққиётида бекиёс аҳамиятга эга. Негаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишида бу соҳанинг ўрни жуда катта.

Олмалик кон-металлургия комбинати мамлакатимиз ва Марказий Осиёдаги йирик саноат корхоналаридан бири сифатида изчил ривожланмоқда.

Комбинатда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект татбиқ этилмоқда. Йил сайин хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Жорий йилнинг муҳим воқеаларидан бири — Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-Мис бойитиш фабрикасининг ишга туширилиши бўлди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилган ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз кон-металлургия саноатида янги босқични бошлаб берди.

3-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

БУХОРОДА МЕДИАҲАФТАЛИК ЯКУНЛАНДИ

Қадимий ва навқирон Бухоро яна бир муҳим медиа майдони айланди. Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, илм-фан ва тафаккур маркази сифатида танилган ушбу масканда ташкил этилган медиаҳафталик замонавий журналистика, рақамли медиа ва креатив контент йўналишидаги долзарб мавзуларни бирлаштирди.

Контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкиллаштирилган ушбу лойиҳа давомида медиа соҳаси вакиллари, матбуот котиблари, блогерлар, мобилографлар, "SMM" мутахассислари ҳамда ёш ижодкорлар учун турли семинар, очиқ мулоқот ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Тадбирларда замонавий медиа муҳитида аудиторияни ҳис қилиш, тезкорлик ва аниқлик уйғунлигини таъминлаш, креатив ёндашув ҳамда янги медиа тенденцияларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар сунъий интеллект имкониятларидан медиа ва контент яратиш жараёнида самарали фойдаланиш бўйича амалий тажрибалар билан танишдилар. Таъкидланганидек, бугунги медиамаканда нафақат контент, балки унинг ортидаги фикр, позиция ва ёндашув ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Медиа ҳафталик доирасида 53 нафар матбуот котиби ва ахборот хизмати ходимлари, 19 нафар телевидение соҳаси вакиллари, 15 та газета ҳамда интернет ОАВ вакиллари, 14 нафар маҳаллий блогерлар, 80 дан ортиқ мобилографлар, 80 дан зиёд "SMM" мутахассислари ва 200 нафардан ортиқ контент яратишга қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Ҳафталик якунида ўтказилган медиафорум кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Унда 700 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Умуман олганда, медиаҳафталик тадбирлари 800 дан зиёд иштирокчини қамраб олди. Бухорода ўтказилган медиаҳафталик замонавий журналистиканинг янги йўналишлари, креатив ёндашув ва инновацион медиа тафаккурини шакллантиришга хизмат қилган муҳим платформалардан бири бўлди.

2-6.

ШЕЪРИЯТ

Абдусайд КҶЧИМОВ

ВАТАН КҶКРАГИНГДА ГУЛЛАЙДИ ҚИЙҒОС

БЕШ ТАШАББУС, БЕШ ҒОЯ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан тақдим этилган 5 муҳим ташаббус мамлакат ҳаётида катта воқеага айланиб кетди.

Газета хабаридан.

Ёғмоқ учун ёмғирлар,
Ирмоқлар кулмоқ учун;
Кўкламақ учун қирлар,
Дарёлар тўлмоқ учун;
Бир гулдурак, бир чақмоқ
Бўлган каби кифоя.
Дунёга очди кучоқ —
Беш ташаббус, беш ғоя.

Оролда берди жило
Бўқадан таралган нур.
Сайхун, Жайхундек гўё —
Қалбларда тошди сурур.

Маҳобатли бу тўлқин
Энди билмас ниҳоя;
Куёшдек сочгай ёлқин —
Беш ташаббус, беш ғоя.

Сафлар бошида лов-лов
Жилполангай маёқлар.
Дилларда ёнди олов,
Нурланди иштиёқлар.
Бугун дўст — дўстга қанот,
Бугун дўст — дўстга қоя.
Ҳар ботираг дулдуд от —
Беш ташаббус, беш ғоя.

7-6.

КАСБ БАЙРАМИГА ТУХФА

Олмалик кон-металлургия комбинатида янги олтин саралаш фабрикаси ишга тушди

1-6

Жорий йилнинг март ойида мазкур фабриканинг очи-лиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан иштироки комбинат жамоаси меҳнатига берилган эътибор ва ишончнинг яққол исботи бўлди десак хато бўлмайди.

“Аср лойиҳаси” номи билан эътироф этилаётган 3-Мис бойитиш фабрикаси юқори меҳнат марраларини забт этишни жадал суръатларда давом эттирмоқда. Хусусан, фабрикада шу кунгача 2 миллион тоннадан ортиқ маъдан қайта ишланиб, 30 минг тоннадан ортиқ мис концентрати олинди.

Фаолиятини бошлаганига ҳали икки ой ҳам бўлмаган корхона учун бу лойиҳавий қувватларни ўзлаштириш йўлидаги улкан қадамдир. Ушбу натижалар фабриканинг интеллектуал ва технологик устуворлигини амалда кўрсатди. 3-Мис бойитиш фабрикасининг ишга туширилиши нафақат комбинатнинг ишлаб чиқариш заңжирини мустаҳкамлайди, балки Янги Ўзбекистонимизнинг иқтисодий қўдратини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Олмалик кон-металлургия комбинати мис ва молибден маҳсулотларининг Европа бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида “The Copper Mark” ва “The Molybdenum Mark” сертификатларига эга бўлганлиги эса катта ютуқ бўлди.

Сертификатлар комбинатнинг дунё миқёсида масъулиятли мис ва молибден ишлаб чиқарувчи эканлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида комбинат биринчи бўлиб ушбу сертификатларни қўлга киритди. Халқаро аудит томонидан 32 та мезон бўйича баҳолалиб, барчасига ижобий ҳулоса олинди. Бу ўз навбатида комбинатга халқаро бозорларга тўсиқсиз



чиқиш ҳамда трансмиллий гигант компаниялар билан етказиб берувчи сифатида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш имкониятини беради.

Бугун комбинат нафақат ишлаб чиқариш ҳажмларини оширмоқда, балки келажақ учун мустаҳкам замин яратмоқда. Айни пайтда 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилиши ва янги мис эритиш заводи лойиҳалари устида ишлар жадал давом этмоқда. Бу янги корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш билан бирга, халқимиз турмуш фаровонлиги ўсишига хизмат қилади.

Яқинда Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни байрамига муносиб туҳфа сифатида яна бир ийрик саноат корхонаси — “Ковулди” олтин саралаш фабрикаси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши маҳаллий хомашё базасидан оқилона фойдаланиш ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини тизимли равишда ошириш орқали миллий олтин захираларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Янги фабрика қурилиши комбинатнинг ўз куч ва имкониятлари эвазига амалга оши-

рилди. “Ковулди” ва “Қуйи Кенжасой” конларидан қазиб олинадиган маъданларни қайта ишлашга мўлжалланган ушбу фабрика йилига 200 минг тоннагача маъдани қайта ишлаш қувватига эга. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, балки юртимиз саноатини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янги фабриканинг ишга тушуши — комбинатнинг изчил тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, табиий бойлиқларимиздан оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Шу ўринда комбинатда кадрлар тайёрлаш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, замонавий билим ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Бу борада муҳандислик мактаби ҳамда илғор муҳандислик мактабларининг фаолияти, меҳнат фахрийлари тажрибаси ва ёшлар гай-

рати уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш билан бир қаторда ижтимоий ва экологик йўналишларда ҳам кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Ходимлар ва уларнинг oilаларини қўллаб-қувватлаш, болалар дам олиш масканлари фаолияти, нуронийлар ва фахрийларнинг ижтимоий ҳимояси каби вазифалар доимий эътибор марказида бўлмоқда.

Комбинатда инсон қадрини улуглашга, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга, ишчи ва хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

“Яшил макон” ва “Яшил белбоғ” миллий лойиҳалари доирасида қисқа вақт ичида миллионлаб дарахт ва

буталар, гул қўчатлари экилиб, парвариш қилинди. Бугун экологик муҳитни яхшилашга хизмат қиладиган боғлар ва теракзорлар барпо этилмоқда. Кўрган кўз қувонадиган гуллар экилиб, парвариш қилинаётган шахар қўчалари янада кўркам ва файзли тус олди. Бундан ташқари, комбинат Тошкент вилоятининг шахар ва туманларини ижтимоий соҳада қўллаб-қувватлаб келади.

Яқинда Ангренда собиқ “Дукент” номидаги ва ҳозирда “Янги Ангрен” номи берилган маданият саройи тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Маҳмуа янги замонавий кийёфа касб этиб, ангрениклар қувончига сабаб бўлди. Бундай хайрли ишлар вилоятимизнинг Красногорск (Қизил тоғ) шахарчасида ҳамда Сирдарё

вилоятида ҳам амалга оширилган.

Фидойи раҳбар Абдулло Хурсанов бошчилигидаги жамоанинг профессионал маҳорати ва фидокорона меҳнати туфайли Олмалик кон-металлургия комбинати ва унинг тизимидаги саноат объектлари бундан буён ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаверади.

Зеро, кучли иқтисодиётга эга бўлган Янги Ўзбекистон давлатини янада ривожлантиришда Олмалик кон-металлургия комбинатининг ҳам бекиёс ўрни бор. Комбинат ҳаётидаги бугунги қутлуг янгилик — олтинни саралаш замонавий фабрикаси барчага муворак бўлсин!

Дилмурод КИРГИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



ТАКЛИФ

Маълумки, ҳар бир жамият тараққиёти oilалар мустаҳкамлигига, oilа мустаҳкамлиги эса ота-онанинг ўрни ва масъулиятига бевосита боғлиқ. Бугунги глобаллашув шароитида айрим фарб мамлакатларида анъанавий oilа институти ўрнини “замонавий” жамиятларда мавжуд бўлган ноодатий oilа шакллари (расман никоҳдан ўтмасдан бирга яшайдиган жуфтликлар, фарзандсиз oilалар, бир жинсли жуфтликлар) эгаллаб бораётгани, oilавий қадриятлар жиддий синовларга дуч келаётгани ўзи яшаётган жамият тақдирига, келажакига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни хавотирга солади.

Айрим ҳолатларда ота тимсоли фақат oilанинг иқтисодий таъминловчиси сифатида қабул қилиниб, унинг фарзандлар тарбиясидаги вазифалари етарлича эътироф этилмаппти. Зеро, тарихимизга назар ташласак, ўзбек oilаларида ота — тарбия устун, масъулият ва интизом тимсоли, авлодлар давомилигининг асосий ҳалқаси сифатида қаралади. Отанинг фарзанд тарбиясидаги фаол иштироки нафақат бир oilанинг, балки бутун жамиятнинг маънавий соғломлигига хизмат қилади. Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноят ҳолатларининг туб илдизи ҳам айнан oilада отанинг ўрни пасайиб бораётгани билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, давлатимиз томонидан вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш амалга ошириб профиллактика ишлар борадида кўпбалик келинмоқда. Жиноятчиликка мойил бўлган ёшлар билан индивидуал ишлаш, уларни ижтимоий мослаштириш борасидаги тизимли ишлар самараси ўлароқ, маълумотларга қараганда, юртимизда 2025 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2306 тани ташкил этган (2024 йилда 2870 та ҳолат қайд этилган). Бу кўрсаткич умумий жиноятлар таркибида тахминан 2,1 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ёшлар жиноятчилиги динамикасига кўра, 4024 та маҳалланинг жиноятсиз ҳудудга айлангани бу борада камайиш тенденцияси (йилма-йил пасайиш) кетаётганини кўрсатади.

Лекин бу таҳлиллар вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари умуман содир этилмапти, деган ҳулосага асос бўла олмайди. Айрим oilаларда фарзанд тарбияси бутунлай онанинг зиммасига юклаб қўйилаётгани ёшлар жиноятчилигининг асосий oilиларидадан бири сифатида таъкидланади. Ваҳоланки, фарзандларнинг

ОТА — ТАРБИЯ УСТУНИ

“Оталар куни”ни ижтимоий сана сифатида белгилаш хусусида



билимли, хунарли, ахлоқли қилиб тарбиялашда ота-оналар бирдек масъулдирлар. Айниқса, ўғил фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни бекиёс. Бугун айрим оталарнинг фарзандлар таъминоти, таълими, тарбияси учун масъуллик юздорини ҳис қилимаётганликлари, улар олдидаги бурчларини унутиб қўяётганликлари боис ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар “ёшариб” боряпти, ёшлар турли оқимлар, ёт гоғлар таъсирига, миссионерлар тузоғига осонгина тушиб қоляптилар.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида oilавий ҳамжиҳатлиқни таъминлаш, oilа шаъни ва шавкати ҳимоячиси бўлган эркакларнинг oilадан, бола тарбиясидан узоқлашишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда “Оталар куни”ни ижтимоий сана сифатида байрам қилинишини таъминлашга оид бир қатор вазифалар белгиланган. Партияннинг 2026 йилга мўлжалланган Иш режасининг 35-бандида эркакларнинг oilадаги ўрни ва масъулиятини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, эркакларнинг oilадаги ўрни борасидаги илмий-тадқиқот

лойиҳаларида ҳамкорлик қилиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, “Оталар куни”ни ижтимоий кун сифатида байрам қилиниши юзасидан аҳоли фикрини ўрганиш ҳамда жамоатчилик муҳокама-ларини ташкил этиш, натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳамда “Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Oilалар мустаҳкамлиги, ёшлар тарбияси билан боғлиқ муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда партия томонидан Ўзбекистонда “Оталар куни”ни ижтимоий сана сифатида нишонлаш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу тақлиф нафақат рамзий аҳамиятга эга, балки жамиятда оталарнинг ўрни ва масъулиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим сиёсий-ижтимоий қадам, шунингдек, oilадаги мувозанатни тиклаш, отанинг oilадаги ўрни, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини кенг жамоатчиликка яна бир бор эслатиш имкони ҳамдир. Давлат ва жамият ўртасида ижтимоий шериклиқни қучайтиришга хизмат қиладиган ушбу ташаббус орқали давлат фуқароларининг oilа институтига бўлган эътиборини рағбатлантиради, жамоатчиликни тарби-

явий масъулиятга хорлайди. Шунингдек, oilапарвар, масъулиятли ва ибратли оталарни оммага намуна сифатида кўрсатиш имконияти яратилади.

Албатта, бундай ташаббусни амалга ошириш фақат байрам ёки сана билан чекланиб қолмай, таълими ва ижтимоий дастурлар орқали қўллаб-қувватланиши жуда муҳим. Масалан, бу байрам ёки сананинг аҳамиятига оид саволнома асосида жамоатчилик фикрини ўрганиш, давлат ва жамоат ташкилотларида оталарга эҳтиром кўрсатиш, миннатдорлик билдириш, уларнинг oilадаги ўрнини эътироф этишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкиллаштириш, таълим муассасаларида “Масъулиятли оталик” мавзусида иншолар танловини ўтказиш, “Ота ва фарзанд” форумларини ташкил этиш, маҳаллаларда “Намунали ота” танловларини йўлга қўйиш, оммавий ахборот воситаларида ижобий ота образини тарғиб қилувчи ижтимоий роликлар тайёрлаш, ота ва фарзандлар иштирокида спорт ва маданий тадбирлар ўтказиш, “Менинг отам...” челленжини эълон қилиш, оталарга аталган энг яхши мулоҳазалар, чизилган расмлар, oilавий фотосуратларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш каби кенг қамровли тарғибот тадбирларини амалга ошириш лозим.

“Ота хом узум еса, фарзандининг тиши қамашади”, деган нақл бор. Бу нима дегани? Бу — фарзандларимиз, хусусан, ўғил болалар отага қараб бўй қўзади, дегани. Бу — ота нобоб бўлса, ноқуя ишларга қўл урса, нопок қўчаларда юрса, бу ҳолат фарзандлари тақдирига, келажакига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, дегани. Бу — эшитганидан кўра кўранганига кўпроқ амал қиладиган болалар отаси қилган ишни такрорлашга мойил бўлади, дегани. Бу — фарзандлар тарбияси учун, энг аввало, ота масъул, дегани.

“Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, ғиёҳвандлар ва нашавандлар... кечаги тарбиясига эътибор берилмаган болалардир”, деб ёзган эди маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний. Буюк бобомизнинг бу ўринли фикрлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, oilада отанинг ўрни йўқолса, масъулият унутилса, фарзандлар тарбиясида ноқислиқлар бўй кўр-

сатади. Оталарнинг oilасига, фарзандларига эътиборсизлиги, лоқайдлиги нафақат ўз oilаси, балки жамият учун ҳам энг катта маънавий иллатдир. Бола тарбиясида сусткашлик, лоқайдлик қилганлар, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар ёки уларга меъёридан ортиқ меҳр бериб, тарбиядаги мувозанатни бузганлар ўзларининг ҳам, фарзандларининг ҳам умрини увол қилишлари тайин. Шундай экан, ота чин маънода oilа устун, фарзандлар танячин бўлмоғи, уларнинг соғлом улғайиши, маънавий камолоти учун кўпроқ қайғурмоғи лозим.

Зеро, шамол силқитган ҳар бир япроқ ҳам дарахт шоҳларини титратганидек, ҳар бир бола тақдир билан боғлиқ ҳар қандай муаммо барчамизни бирдек ўйлантириши, ташвишга солиши керак.

Оталик бурчи, масъулиятини фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай едириб-ичириш, кийинтиришдангина иборат деб биладиган айрим оталаримиз даромад илнжидида хорижга чиқиб кетаверишса, oilада отанинг ўрнини, ота меҳри етишмаётган болалар қалбидидаги бўлиқни қандай тўлдирамиз? Меҳрнинг кўзда эканлигини, меҳрсиз берилган тарбия гулдан тикан ундиришини уларга қандай тушунтирамиз?

Ваҳоланки, бугунги кунда дунёда кечаётган қалптис вазият, айрим давлатлардаги нотинчликлар, талатўплар, бошбошдоқликлар ҳар биримиздан огоҳлиқни, ўз oilамизни, фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни тақозо этади.

“Оталар куни”ни ижтимоий сана сифатида жорий этиш — бу шунчаки янги байрам кунини белгилаш эмас, балки жамиятда масъулиятли оталик маданиятини шакллантириш, oilа институтини мустаҳкамлаш ва миллий қадриятларни асраб-авайлашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга гоғдир. Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали оталик институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига қўтарилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ташаббуслар эса, шубҳасиз, барқарор ва соғлом жамият қуриш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ШУНДАЙ ДЕДИ



Алишер ҚОДИРОВ,
“Миллий тикланиш”
демократик партияси
Марказий кенгаши
раиси:

Йўлда транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилишдан мақсад йўлда тартибни сақлаш бўлиши керак, пул ундириш эмас. Тадбиркорларга йўлларга радар ўрна-тиш ҳуқуқининг бери-лиши ўзини оқламади. Жуда кўп ҳайдовчи-лар норози бўляпти. Чунки тадбиркорнинг мақсади – даромад то-пиш. Ускуналар ўрна-тиб, ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидала-рини бузишга мажбур қиляпти.

Манба: platforma.uz

ВАТАН

КЎКРАГИНГДА ГУЛЛАЙДИ ҚИЙҒОС

1-6					
Ўзбекистон уйғонди, Уйғонди мудроқ кўзлар. Ой нурига чулғанди Осмон тўла юлдузлар. Энди шиддатимизга Булутлар солимас соя. Тоғдай таянчдир бизга Беш ташаббус, беш ғоя.					
Бўлмоқ учун мукаммал, Кучмоқ учун самони; Қурмоқ керак энг аввал Кўнгил деган дунёни. Кўксига кўнгай юлдуз, Кимки қилса рию; Ёлқин илҳом, ёниқ сўз, Беш ташаббус, беш ғоя.					
Санъатсиз ҳаёт – куйбат, Илмсизлик қулфатдир. Бахоналар ҳаммавақт Танбалларга улфатдир. Ёлғонларни сўлдиргай, Алдовлар энди зоя; Иллатларни ўлдиргай Беш ташаббус, беш ғоя.					
Барча ҳамоҳанг бўлиб, “Ўқинг!” деган хитобга; Юраклар шавққа тўлиб, Қайтаётир китобга. Бу қудратли ёлқинлар Билмас энди ниҳоя. Фақат юксакка ундар Беш ташаббус, беш ғоя.					
Ишласанг-у, билмасанг Дам олишни, хордиқни. Бўйинингга оссанг бешан, “Нодон” деган ёрлиқни; Кимга керак бу ситам, Бундай маҳзун ҳикоя? Чек қўймоқда бунга ҳам, Беш ташаббус, беш ғоя.					
Кўрсатгайлар яна бўй, Навойлар, Синолар. Мулла Тўйчи чалган куй, Бўлгай дoston, кинолар. Жаҳоний минбарларга Чорлаб пояма-поя; Етаклар зафарларга, Беш ташаббус, беш ғоя.					
Бугун тоғдан тошгача Бошқачадир наъраси. Шовуллайди бошқача Сангардак шаршараси. Муҳташам қасрларга, Муборак заррин лоя, Тенг бўлгай асрларга Беш ташаббус, беш ғоя.					
Юртимизда, алқисса, Мумтоз кураш бошланди. Кўшай, деб унга ҳисса, Алп қадамлар ташланди. Ҳаммамизга ҳар дамда, Ҳам қувват, ҳам ғимоя; Қанот ёзар оламга Беш меъморий чўнг қоя: — Беш ташаббус, беш ғоя!					
27.05.2019					
ҚўЛЛАСИН					
Элбошим, Сизни бу тонг заррин маъволар қўлласин, Шош сари Зомин оша, учган саболар қўлласин.					
Қўлласин Ўриқлисой, дарёйи Санғзор жўш уриб, Фовсул Аъзам, Нур ота, Занги боволар қўлласин.					
Чиқдингиз боғлаб камар, огир сафарга жаҳд ила, Дуч келиб қолганда ёв – ёвқур даҳолар қўлласин.					
Йўлингизда йўлчироқ бўлсин садаф сайёралар, Қўлласин Одам ато, Момо ҳаволар қўлласин.					
Ҳар ниҳолу ҳар гиёҳ Сизга ҳамдам, ҳамқадам, Қумрилар чаппар уриб айтган наволар қўлласин.					
Қўлласин, меҳру вафо, орзу-умид карвонлари, Тоғу тош, чашма, булоқ – меҳриғиёлар қўлласин.					
Шу Ватанга жонфидо бўлмоққа шайсиз ҳар нафас, Жонингизга жон бўлиб, жони фидолар қўлласин.					
Элбошим деб аҳли юрт куну тун қилгай дуо, Элбошим, дарё бўлиб оққан дуолар қўлласин.					
1.02.2017.					
ВАТАН					
Ватан нимадир, деб сўрайсан, ажаб... Таърифлаб бўлгайми она сутини? Жавоб қидирмагин кўкка мўлтираб, Ватан осмонларда ётмас беркиниб. Бир парча ҳовлингни ифорга кўмиб, Бир парча ҳовлингни яшнатиб бешан – Саҳарда сеҳрли уйларга кўмиб, Гурқураб тургувчи райҳонинг – Ватан. Ишқомда маржондай ялтираб ял-ял, Хусайни лабидан томган болдир у. Зангори соҳилда келинчак мисол Сузилиб тургувчи мажнунтолдир у. Нозик новдаларни опичлаб турган Намозшом гулининг кўзи ҳам Ватан. Ёлғиз саксовулнинг томири синган, Ялангтўш чўлларнинг тузи ҳам Ватан. Далангда барқ уриб ўсган ҳар гиёҳ, Ҳар эрка майсанинг нозидадир у, Танбур навосидан чиққан маҳзун оҳ, Ғанижон Тошматнинг созидадир у. Сира кўрганмисан, қуёш ботар чоғ Алвонга бўялар жилғалар ранги. Аломат говурга кўмилар қишлоқ, Димокни қитиқлар поданинг чанги. Икки қоп сомонни эшакка ортиб, Ангардан қайтади отанг пиёда. Зумда дастурхонга киради тартиб, Ширин жаранглайди чойнак-пиёла. Мусича солгандир айвонингга кўшқ, Балки, қалдирғоч ҳам қурган қошона. Қушчалар ҳар саҳар куйлаган кўшиқ, Ватандир муқаддас, мумтоз, ягона. Яқинроқ кўрмоқни истасанг яна, Йўнғичқа гулига юзларингни бос. Осмонга тикилиб ётсанг жимгина, Ватан кўкрагингда гуллайди қийғос. Ё ярим кечада маъводан тушиб, Томда ёнбошлаган юлдузларни кўр, Юрагинг дарёдай кетмасми жўшиб? Ватандир шу туйғу – самовий сурур. Ватан нимадир деб сўрама, ини...					
31.07.2012					
БУ ОҚШОМ					
Кўк тоқида юлдузлар, сайрон бўлди бу оқшом, Тоғлардаги қор, музлар, ҳайрон бўлди бу оқшом.					
Булутларни тебратиб, рақсга тушди шамол, Еру самога ҳилол, султон бўлди бу оқшом.					
Қордек дув-дув тўкилди олча гулин барглари, Олча гулин барглари хирмон бўлди бу оқшом.					
Кўм-кўк нилий самода юз бердими зилзила? Сомон йўли кўпирди – тўфон бўлди бу оқшом.					
Сойлар – сойга, дарёлар қўшилгандек дарёга, Тўлқин-тўлқин денгизлар уммон бўлди бу оқшом.					
Бахт боғида чечаклар яшнаб ял-ял очилди, Бахт гулшани чаманзор – бўстон бўлди бу оқшом.					
3.02.2020					
БУГУН ЯХШИ ЯШАШИНГ КЕРАК!					
Орзу билан ободдир дунё, Муҳташамдир шонли келажак. Фаёз бўлгай эртамиз, аммо Бугун яхши яшашинг керак!					
Ў! Биламан, мулки алдовдан Зада бўлди не-не пок тилак. Озод бўлдинг сур-сур – сўровдан, Бугун яхши яшашинг керак!					
Ўтди, гина замони ўтди, Чинни қўшдай бўлма жонсарак. Ёнсин, ёндир қалбдаги ўтни, Бугун яхши яшашинг керак!					
Ўйла, боланг – қора кўзингни, Суянчтоғ бўл – қоядек тиргак. Унутмагин аммо ўзингни, Бугун яхши яшашинг керак!					
Фермердирсан, тадбиркорсан ё, Посбондирсан ҳушёр ва сергак. Эртанг учун куйиб-ён, аммо Бугун яхши яшашинг керак!					
Ишла, дам ол, парвозга шайлан, Қучоқ очсин осмону фалак. Нурга бойлан, юлдузга айлан, Бугун яхши яшашинг керак!					
Эрта тур-у, майли, кечроқ ёт, Сенга бўлсин ҳар гул, ҳар чечак. Сенга бўлсин пурсафо ҳаёт – Бугун яхши яшашинг керак!					
Гўрўғлидай сардор, сор-лочин, Алпомишдай шердил, шерюрак; Малоҳатга кўмилсин очун, Бугун яхши яшашинг керак!					
Обод бўлсин рўзгоринг, уйинг, Обод уйга тушсин келинчак. Кам бўлмасин бировдан тўйинг, Бугун яхши яшашинг керак!					
Бошга кўтар Ўзбекистонни, Улуғ бўлгай эртамиз, бешак. Шу заминга бахш айла жонни, Бугун яхши яшашинг керак!					
Бугун ҳамма-ҳаммадан ҳушёр, Бугун ҳамма-ҳаммадан сергак, Бугун бахтли, бугун бахтиёр – Бугун яхши яшашинг керак...					
24.02.2019					
ЮКСАКЛИК					
Тоғларга чиқмоқни ким қилмас ҳавас, Чўққига интилмоқ инсонга хосдир. Аммо қор, бўронга чидаб ҳар нафас, Юксақда турмоқ ҳам осон эмасдир.					
БИР НИҲОЛ ЭҚДИНГМИ?					
Бир ниҳол эқдингми Ватан боғига, Меҳрингни тўқдингми чўл, янтоғига, Гулларга чанг, губор кўнган чоғида Арта билолдингми чангу губорни, Десалар, юртдошим, жавобинг борми?					
Битта ғишт қўйдингми майдонларига, Бир васса ўйдингми айвонларига, Бир мисра қўшдингми дostonларига, Кураб ташладингми томлардан қорни, Десалар, юртдошим, жавобинг борми?					
Кимдир узиб кетса дилбар гулларни, Кимдир бузиб кетса сарвар йўлларни, Кимдир эзиб кетса музтар дилларни, Дуосин олдингми меҳрга зорни, Десалар, юртдошим, жавобинг борми?					
Уруш-жанжалларга хамиртурушлар, Иллатфурӯшлару миллатфурӯшлар Афиф осмонингга қилса хуружлар, Ҳосуд ҳақиқларга тикдингми дорни, Десалар, юртдошим, жавобинг борми?					
Жавобинг бўлмаса мумтоз-мукаммал: Қўлингда зулфикор, белинга камар, Дулдул тулпорингга ёр бўлса камар – Йўлдошинг сабъаи сайёр бўлади, Муқаддас жавобинг тайёр бўлади.					
ТАНТИ ЎЗБЕК					
Саховатли саҳий куздек Саодатли элдир ўзбек. Буқа бўйин – манманларга Парво қилмас жанда-бўздек.					
Жаҳондаги бирон миллат, Эл-улусдан йўқдир ками. Юлдузлардек боқий қудрат – Аждодларин қутлуг шаъни.					
Боболарин қанча халқлар Бизники деб талашади. Бундай шараф – шоён тахтлар Ўзбекка ҳул ярашади.					
Азал-абад сочар ёғду “Авесто”дек бўстонлари. Жасоратга жасур кўзгу “Алпомиш”дек дostonлари.					
Дўстларига меҳри қуёш, Дўстларига қурбон жони. Пашша каби эзар бебош, Аллоп-қаллоб, бевафони.					
Ҳавас билан боқар дунё Тоғдай кўркам савлатига. Дур маҳлиё, нур маҳлиё Ўзбекистон давлатига.					
Не-не фотиҳ, не-не хоқон Синаб аччиқ омадини; Эга олмай тутди мотам Ўзбекнинг алп қоматини.					
Шижоатда довқур-лочин, Бургут кўзлик, қилич сўзлик. Эгилса ҳам салом учун Эгилади танти ўзбек.					
ТОПОЛМАССАН					
Кўкда Чўлпондек нурли, Чўлпонни тополмассан, Сомон йўлидек сирли карвонни тополмассан.					
Ўриқлар ғарқ гуллаган чаманзордир қаҳқашон, Оламда бундай латиф бўстонни тополмассан.					
Гулзора боғбон излаб, бўлма оворайи жон, Қуёш каби меҳрибон деҳқонни тополмассан.					
Қизил гуллар, оқ гуллар бири-биридан барно, Ифорда тожи султон – райҳонни тополмассан.					
Жилғалару дарёлар, денгизлар озми, аммо Булоқдек қалби урён – уммонни тополмассан.					
Шаббодалар, шамоллар майин, жангари, шаддод, Тонгги насимдек абру найсонни тополмассан.					
Гапни олис-олисдан бошлашдан мурод шулки, Ҳуснинга мендек логу хайронни тополмассан.					
Гадо бўл, деган онинг, гадоларга бўлгум Пир, Шоҳ бўл десанг, қулингдек Хоқонни тополмассан. Кутиб хушрўй хушхабар, бедорман кеча-кундуз, Йўлингда мендек жони сарсонни тополмассан.					
Найлайки, бечораман, кул бўлди куйиб борим, Васл ҳажрида чашмайи гирённи тополмассан.					
Юлдуз бўларсан, балки, ой бўларсан, эҳтимол, Аммо қалбимдек мунир осмонни тополмассан.					
Оввора бўлма, лаълим, икки жаҳонда мендек, Жонингга жисми жони қурбонни тополмассан.					
8.03.2020					
КАМАЛАК ЖИЛОСИ					
Камалак жилоси кўнмиш адирга, Кўкатлар баргида қумуш сирғалар. Тоғлардан шамолдай чопганча ерга Бетиним куйлайди митти жилғалар. Ватаним хуснидан қамашар кўзим, Ёмғирдай куйилар қалбимга илҳом. Шиддаткор ирмоқдай отилар шу зум Дафтарнинг юзига дилдаги калом. Руҳимда уйғонур чексиз бир сурур, Чексиз бир севинчдан антиқади дил. Кўнгил боғларига таратади нур Оқ, қизил, нопармон, хил-хил атиргул.					
1967					
УНУТИШ					
Аста-аста тинади ёмғир, Аста-аста тўхтайди шамол. Етим дашта айланар сағир Уфқларга туташ лолазор.					
Аста-аста бўлмайсан ҳайрон Булбулларнинг хонишларига; Титранмайсан қуёш ботар он Чўққиларнинг ёнишларига.					
Аста-аста қалбинга намли, Тундек сокин ором кўнади. Вужудингда унутмиш номли Маҳобатли дарахт унади.					
Аста-аста кўрсатгай жамол Юрагингда ўзга бир чаман. Хаёлингда бошқа бир хаёл, Мен ҳам эсдан чиқиб кетаман.					
Аста-аста ботгандек қуёш, Унутилар сеҳркор кўзлар. Унутилар саргашта, бебош, Қасамфурӯш, бевафо сўзлар.					
Борлигингни забт этар секин Юлдузларнинг ўзга шуъласи. Эсдан чиқиб кетади бир кун Бу дардларнинг ҳамма-ҳаммаси.					
...Аста-аста тинади ёмғир.					
28.05.2020					
ТОМЧИ					
Ҳавасинг келмасин тоғлар қорига, Дарё бўлмоғинг ҳам унча шарт эмас. Элнинг юмушига, юртнинг қорига Бир томчи сувчалик нафинг тегса, бас.					
6.10.2024					
ТАНТИЛИК					
Боболар, бировга қулма, деганлар, Ҳар кимни ёмон деб билма, деганлар. Танти бўл – Ёмоннинг Ёмонига ҳам, Ҳеч қачон ёмонлик қилма, деганлар.					
19.09.2022					

